

Юртимизда айна пишиқчилик. Шу боис бободехқонларимиз ёз бўйи қилган меҳнатлари маҳсулини — деҳқончилик маҳсулотларини тезроқ шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этишга шошилишмоқда. Бироқ деҳқон бозорга бора-рай деса йўл ҳақи қиммат. Мана шундай вақтларда деҳқоннинг оғирини айрим савдо-сотик билан шуғулланувчи тадбиркорлар, хусусий корхоналар енгил қилишади.

«Шохрух-94» хусусий корхонаси тўғридан-тўғри даладан пештахтага сара маҳсулотни келтириб, хариддорларга етказишга одатланган. Корхона раҳбари Шавкатжон Дусматов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Шавкатжон, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қаердан олиб қаерларда сотасизлар?

— Бир вақтлар кичкинагина сабзавот дўкони бўлган бу масканимиз ҳозирги кунда хусусий корхонага айланиб кетди. Биз энг сара ва сифатли маҳсулотларни пойтахт аҳли ва меҳмонларга етказиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шаҳар аҳли учун йил бошидан бери 120 тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотдик. Уларни Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Жиззах вилоятларига қарашли ширкат ва жамоа ҳўжаликлари билан пул ўтказиш йўли би-

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

дейишмоқда деҳқон маҳсулотларини бозорларга олиб келадиган тадбиркорлар

лан олиб келмоқдамиз. Ҳозиргача 20 хилдан зиёд маҳсулот сотилди: Шаҳримиз аҳолиси гавжум бўлган жойларда 6 та дўконимиз фаолият кўрсатмоқда. Корхонамизда 11 киши ишлайди. Шулардан Мирзохид Мирҳайдаров, Абдусамат Тулаганов, Алла Печёрскаялар ўз касбининг жонқуяр фидойилари саналади. 10 тонналик маҳсулот юк-ланган «Алка» машиналаридаги мева-чевавларни бир ҳафта ичида сотишга булар яқиндан ёрдам беришмоқда. Чунки мевалар, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари қутиб турмайди. Қанча тез сотилса, шунча яхши. Лекин маҳсулотларни олиб келишда ДАН ҳодимлари билан турли хил тушунмовчиликлар бўлмоқда. Шунинг учун улар биздек восита-чилар ўртасида ҳам шартномадан тузиш керак, деб ўйлайман. Энди қолган гапни иш юритувчимиз Марям Юсуповадан эшита қолган.

— Марям опа, бозорда маҳсулот кўпу лекин нархи арзон эмас. Бунинг сабабини нимада деб ўйлайсиз?

— Далаларда ҳосил мўл. Лекин уни шаҳарга келтириш учун не-не машаққатлар мавжуд. Энг аввало маҳсулотни сифатли қилиб келтириш учун яшиқлар муаммоси бор. Банк тизимида, йўлдаги ДАН ҳодимлари билан тушунмовчиликлар туфайли деҳқон шаҳарга етиштирган маҳсулотини олиб келишда жуда кўп қийинчиликларга дуч келяпти. Устига-устак хориждан келтирилатган маҳсулотлар энг олдинги пештахтада туради, деҳқонники эса ерда сотилади. Мисол учун печенёе, сақинчи бозорда сотиш шартми? Уларни сотиш учун очилган тижорат дўконлари етмагандек, деҳқон бозорларидаги пештахталар ҳам улар-га бериб қўйилган.

Мен иш юзасидан жуда кўп ширкатларда ва фермер ҳўжаликларида бўлман. Улар билан ҳамма нарсага келиша олсак ҳам маҳсулотга ҳақ тўлашнинг пул ўтказиш муаммосига келганда тортишиб қоламиз. Дастлабки йиллари олдиндан пул ўтказиш тўғрисидаги қарор чиқмасдан аввал ўз имкониятимизга қараб маҳсулот олиб келар эдик. Кейинчалик банкка тушган пул фермер ҳўжалигининг ха-зинасига бориб тушмагач, улар ҳам бошқача чора кўра бошлашди. Маҳсулотни пишидим, нақд пулга сотишга ўтиб олишди. Бунинг тушунамиз. Бироқ мевалар қанча банкдан пул ўтар экан деб қутиб турмайди-да. Айниқса бозорда пишигани. Ҳўжаликларида меҳнат қилаётган деҳқонлар ўз ҳисобимиздан пул тўлаб, яшиқларимизни ҳам олиб бор-сак энг сара, чиройли пишган маҳсулотларини териб ма-шинамизга юклаб беришади. Лекин олиб келиб уни қан-чалар қиммат сотмайлик, барибир деҳқон харажати кўп. Устига-устак мавжуд консерва заводлари ҳам кўнгилда-гидек ишлайди. Заводларнинг бири маҳсулот олмаса, иккинчисига обораи деса транспорт тоғилмайди. Тонна-тонна мева-сабзавотлар исроф бўлиб кетди. Айниқса ёз кунларидаги аҳолини кўриб, жуда ачинаиб кетдим.

Яқинда мева-сабзавот олиш учун Жиззах вилоятининг далаларида бўлдим. Серҳосил қайроқи картошкани, ол-ма, «Андижон гўзали» деб номланган узумларини кўриб кўзим қамашди.

Ҳа, боғларимиз нияҳтада серҳосил. Уларни авайлаб-асрашимиз, меваларини исроф қилмаслигимиз керак. Юртобимиз сановатни қишлоққа йўналтириш борасида бекорга жон қўйдириб гапиратганлари йўқ. Шунинг учун мева-сабзавот билан савдо қилувчи фермер ҳўжаликлар-га, хусусий корхоналарга айна пишиқчилик даврида кенг имкониятлар берилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Шиша идишларга қишга ёпишга имконияти бор корхона-лар вилоятлардан маҳсулотлар келтириб, қайта ишлаб қўйсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Шавкат УСМОН.

Десантчи бўлиш нимадан бошланади? Бу саволга ҳар қандай ҳарбий хизматчи: пара-шютадек сакрашдан деб жавоб бериши турган гап.

Мана, қарабсизки, десантчилар интизорлик

Мардлар кўриқлайди Ватанини

СИРЕНАЛАР САДОСИ УЗРА

билан кутган кун ҳам етиб келди. Самолёт учиб-қўниш маррасида турибди. Унинг эшик-лари очилган, десантчиларнинг биринчи гуру-ҳи, ҳарбий хизматчилар самолётга чиқа бош-ладилар.

Майор В.Голубев қаттиқ хаяжонда. Шогир-длари унинг юзини ерга қаратиб қўйишмас-микан? У ўз қўл остидагиларга галдаги хара-кат тартибини қайта-қайта ўқитган. У қўри-нишдан оғир ва вазмин бўлса-да, отадек ме-хрибон ва ғамхўр, талабчан зобит. Мана, бу буйруқ ҳам берилди: «Парашютада сакрангиз!»


Ҳамма самолёт томон интилади. Бирдани-га қудратли двигателларнинг қулоқларни ба-танга келтирувчи овози ҳамма ёқни тўтиб кет-ди. Улкан ҳаво кемаси осмонга кўтарилган си-

реналар садоси ингради.

Биринчи бўлиб оддий аскар Баҳром Ҳам-дамов ҳудди ўргатишганидек ланг очик эшик олди-га келди ва олға ташланди. Мана, ҳозир у бепойён осмон узра сузмोकда. Бу ҳолатни ҳеч қандай сўз билан ифода-лаб бўлмайди. Боши узра парашют соябони очилди. Энди у аста-секин пастлаб бормоқда. Унинг атрофи-да эса хизматдошлари ҳам парашютада она замин томон интилишяпти. Хаяжонлинишга ҳам вақт йўқ. Она ерга яқин қолди. Сакраш раҳ-барининг овози шу ердан мегафон орқали эшитилляпти. У ёш аскарларга ерга яқинлаш-ганда қандай ҳаракат қилиш зарурлигини қайта эслатмоқда. Баҳром ерга тушишга тайёрлан-моқда. Мана, у ерга тушди.

Яша! Иккала оёқ билан ерга тушиш — па-рашютчининг яхши ўргатишганининг натижа-си. Жангчи парашютни тезлик билан йиғиш-тириб, йиғилиш нуктасига йўл олди. Унинг хиз-матдошлари ҳам яхши натижага эришдилар. Дарҳақиқат парашют-десант тайёрланганлиги бўйича ўтказилган машғулотлар зое кетмая-пти. Оддий аскарлардан А.Бобровский, Т.Хуш-вақтов, Б.Уролбеков, М.Бозоров, Ш.Собиров, сержант А.Турдибеовлар ҳам бўш келишма-ди. Улар мураккаб ўқув жанговар вазифасини юксак маҳорат билан бажаришга эришдилар.

Капитан Т.АБДУСАИДОВ.



Қишлоқ ҳўжалигида замонавий техникалардан фойдаланиш тобора авж о-моқда. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган Исроилнинг «Дегания» фирмаси ташиқ этилган қўшма корхона ёрдамида пуркагичли тракторлар ишлаб чиқа-ра бошлади. Улар шу кўнчада шундай маҳсулотдан 50 донасини қишлоқ деҳқон-ларига жўнатишга муваффақ бўлдилар.

СУРАТДА: пуркагичли тракторнинг кўриниши.

Рашид Галиев олган сурат.

Қурилиш ва бинокорлик материалла-ри сановати ҳодимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда «Сифат» акциядорлик жа-мияти маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитасининг бозор иқтисодиёти шаро-итида жамоа шартномаси тадбирларини бажариш бўйича амалий иш тўғриси-даги масала муҳокама этилди.

Маъмули, жамоа шартномаси кор-хона маъмурияти билан қасаба уюшма кўмитаси ўртасида меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ифо-даланган ҳужжат бўлиб, меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш шу асосда юзга келди.

«Сифат» акциядорлик жа-мияти маъмуриятининг бош муҳандиси Т. Э. Исоқов жамоа шартномасини амалга ошириш борасида бажарилаётган иш-лар ҳусусида тўхталиб, пойтахтимизга кў-рига кўриқ қўшаётган қўшма уюш-маларни қасаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимоялаш, улар-га зарур иш шартноларини яратиб кун-дулик вазифа эканлигини таъкидлаб ўт-ди. Кези келганда айтиш керакки, бо-зор муносабатлари таъкидотчилик, та-шаббус ҳислатлари билан бирга қасаба уюшма кўмитаси раисининг ҳуқуқий, мо-лиявий жиҳатдан ҳам билимдон бўли-шини талаб этмоқда.

«Сифат» акциядорлик жа-мияти қасаба уюшма кўмитасининг раиси В. Н. Сколотта корхонада жамоа шартномаси-ни таъйишлаш ва меҳнат аҳлининг му-ҳокама-сига ҳавола этиш учун олиб бори-лган ишчилар билан ишларда барча тар-кибий тузилмаларнинг мутасадди раҳ-барларининг иштироки таъминланди, чу-қур таҳлил этилган юридик ҳужжат иш-лаб чиқилганлигини баён этди. Бу ўр-ганса ариқлиги ишдир. Чунки, жамоа шартномаси каби жиддий юридик ҳуж-

жатларни шомша-шошарлик ёки ҳа-қиқий аҳволга мос келмаган ҳолда таъйишлаб ҳаётга тўла-тўқис қилиб э-та олмаслик каби салбий кўриналишлар афсуски, ҳақон учраб турибди.

Шуниси муҳимики, жамоа шартно-масининг тўлақонли фаолияти кор-хонадаги барқарор меҳнат жараёни ҳамда интизомини таъминлаб, ишлаб чиқариш суръатининг ўсишига таъ-сир кўрсатади.

Нотик меҳнаткашларнинг моддий шароитини яхшилаш билан бирга,

нов корхона меҳнат аҳли амалга оши-рган улкан қурилишлар, қурувчиларнинг мароқли дам олиши учун яратилган шарт-шароитлар, мунтазам ўтказиб бори-лаётган спорт-оммавий ва маданий тад-бирлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

«Сифат» акциядорлик жа-миятининг жамоа шартномаси 5 йил муддатга ту-зилган бўлиб, 85 та тадбирини ўз ичи-га олган 8 та бўлимдан иборат.

Жамоа шартномаси корхонадаги иш бериш билан ишчи ўртасидаги меҳ-нат, ижтимоий-иқтисодий ва қасаба ало-

Қасаба уюшмаси ташкилотларида

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

уларнинг маънавий жиҳатдан қамол топиши ғоят зарур эканлигини айти-тиб, қурувчилар пойтахт театрлари-нинг саҳна асарларидан баҳраманд бўлаётганлигини таъкидлади. Бинок-торларнинг биринчи синфга ўқишга бораётган фарзандларига тўлиқ ан-жومي билан 1-синф портфелларини топириш маросими яхши аънаъага айланиб, азиз болалар ҳаётида уну-тилмас воқеа бўлмоқда.

Меҳнат аҳли қайси соҳада ишла-шидан қатъи назар мароқли дам олиб, янги куч, кўтаринки руҳ билан меҳнат жамоаси бағрига қайтиб, се-вимли қасбини давом эттирмоғи ло-зим. «Саноатқурилиш-индустрия» ак-циядорлик жа-мияти қасаба уюшмаси кўмитасининг раиси Р. Ф. Хуснидди-

қадор бўлган муносабатларни белгилаб бериб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқ-тисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳи-моа қилувчи юридик ҳужжатдир.

1996 йилда Тошкент шаҳридаги қу-рилиш ташкилотлари ва корхоналарида 135 та жамоа шартномаси тузилиб, уларда меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқ-тисодий, меҳнат бўйича ҳуқуқ ва ман-фаатлари ҳимоя қилинишини таъмин-лашга эътибор қўйириллаётганлиги таъкидланди, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига я-нада жиддий аҳамият бериш кераклигини алоҳида ўқитди.

Қурилишлар ва ҳаётларни қузи-қи-шиш мавсумига таъйишлаб ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бар-ча қурилиш ташкилотларида тўхтовсиз

Лукма

ИНСОН УМРИГА ТЕНГ ЗАРУРАТ

Телефон гўшақлари қўлиб олган тақсофонлар эгаси ташлаб кет-ган ўйга ўхшар экан.

Хар гап қаровсиз аҳволда ётган телефон будкаларига кўзимга ўт-оловдек кўринди. Лекин тўрта те-лефон будкасидан, аттиги биттаги-насида гўшақ бор, ўша ҳам ишла-масди.

Метрога югурдим. Хайрият, ап-паратнинг биттаси ишлаб экан. «Тез ёрдам» қачирдим.

Чўчиганимнинг боғи, талабалик-да кўнглимиз воқеанинг гувоҳи бўл-гандим.

Иккинчи курсда ўқирдик. Хора-змлик йигитлар меҳмонга айтиди.



рилган Бибиҳонимнинг садақати, юрти учун барча нарсасга шай турган аёлининг тақдирини, ободончилиги, миялат фаровон-лиги учун олиб борган ишлари ҳам тарихий маълумотларга асосланган.

Абдулла Матқубовнинг «Амир Темур ва Султон Боя-

Бордик. Улар «антиқа» ихтиролари-ни намойиш этишди. Телефон гў-шақларини қўлиб келиб сым ўра-нишган. Нарғиш уйдаги дўсти билан гаплашиб ўтиришди. Бу уларнинг эриксизидан ўйлаб толган «хитро-роси» эди. Бир кун хитрошўқлар-нинг бикини оғриб қолади. Зир юриб телефон қидиришган. Ўқин атрофдаги телефонларнинг ҳаммаси яроқсиз. Эрталабдан қутишга қа-рор қилишди. Тонгда биттаси мет-рога бориб, тез ёрдам қачирди. Аф-суски, қуришча кечаси ёрилиб кет-ган.

Ушар ҳудудларда хитрошўқлар-нинг ўлимида маълум маънода ў-ларнинг айбдор деб билиларди. Би-рон кишини телефон аппаратурини қўлиб олгани учун жиноятга тортиш

Шогирдлар устозлар ҳақида

НАҚШ ИЛМИНИНГ БИЛИМДОНИ

Саидхобор ака ўрта мактабни муваффақиятли та-момлагач, Низомиёй номидаги Тошкент Давлат педа-гогика институтига ҳужжат топширди. Талабалик йил-ларидаёқ ўзининг қобилияти, тиришқоқлиги ва инти-лувчанлиги билан устозларнинг эътиборига тушди. 1976 йилда бадиий-графика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган, 139-техника билим юртида талабаларга сабоқ берди.

Саидхобор аканинг юраги-даги орзулар тинчлик бермас-ди. Яна муқаддас даргоҳ, яна ўша устозлар ҳузурига кела-ди. У киши 1978 йили чизма-чилик кафедрасига ўқитувчи-ликка қабул қилинди ва ил-мий изланишлар, илмий тад-қиқотлар учун йўл очилди. Та-лабалик давридаги шижоат, интилиш ҳислари юрагида сўнмаган ёш ўқитувчини ас-пирантурага ўқишга юбориш-ни лозим деб топиб 1982 йи-ли Москва Давлат педагогика университетида йўлланма бе-радилар.

Ниҳоят самарали изланиш-лар ўз натижасини бериб Саид-хобор Булатов 1985 йили муддатидан олдин номзодлик диссертациясини ҳимоя қи-либ, ёруғ юз билан Тошкент-га қайтди.

Ўқуқлиб бораётган халқ амалий безак санъатини тик-лаш, халқ педагогикаси, ўқи-тишда миллий кадрлардан ва аънавлардан фойдаланиш каби орзуларини амалга оши-риш учун меҳнат қилади. Шу билан бирга илмий изланиш-ларини давом эттириб, 1990-92 йилларда докторантурада таҳсилни давом эттиради. 1994 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қи-либ, таъсирли санъат соҳаси-да Ўзбекистонда биринчи ва ягона педагогика фанлари доктори унвонига эришади.

Саидхобор Булатовнинг ижодий фаолиятига назар ташласак, устознинг илмий изланишлари салмоқли. Унинг тадқиқотлари илмий-назарий ва илмий услубий йўна-лишда бўлиб, ҳозирги кунга қадар 150 дан ортиқ қўллан-малар, тасвирномалар, дас-турлар, лугатлар, рисола ва мақолалар муаллифидир.

Шу кўнчада олимнинг «Ган-чкорлик» (57 босма таъбақдан иборат), «Ўзбек халқ амалий безак санъати» номли фунда-ментал монографияси, «Ганч-

корлик: нақшоқлик ва ёғоч ўймакорлиги оид атамалар изоҳли лугати», «Амалий санъат қисқача лугати» ва бошқа бир қатор китоблари чоп этил-ди. «Ўзбек халқ амалий безак санъати» номли китоби учун Саидхобор Булатов Ҳамдўст-лик мамлакатлари ўртасида Ашхабада бўлиб ўтган китоб-лар кўргазмасида 1-дарражали диплом билан тақдирланди.

У киши Ўзбекистон Респуб-ликаси Оқла таълими вазир-лиги қўшидаги таъсирли санъат ва чизмачилик ҳамда меҳ-нат, қасбга йўллага бўйича ил-мий-методик кенгашининг ва институт ёш олимлари уюш-масининг аъзоси.

Яқиндагина Москва универ-ситетида номзодлик ишини ҳимоя қилиб келган шогирд-ларидан бири кафедра йиғи-лишида устозни профессор-ликка тасвиф қилиш чоғида мамнулик билан шундай де-ди: «Йиғилишларнинг бирида буюк олим, академик В. С. Ку-зин Саидхобор аканинг «Ўз-бек халқ амалий безак санъа-ти» деб номланган китобини қўлига олиб «Ўзбек халқининг буюк меросини, санъатини би-ламыз, бу ҳақда бир қанча ки-тоблар ҳам ёзганмиз. Энди билсам, нақшлар тилсимини фақатгина сиртидан билар эканмиз, ҳолос. Ўшбу асар муаллифининг тили ва дили билан ёзилган. Бу китоб ор-қали ёш олим ўз халқининг юксак маданият соҳибни экан-лигини, санъатининг илми-аҳлилиги ва ўзбек халқининг нақадар санъаткор эканлиги-ни яна бир бор исбот этди, унинг буюк меросини ва урф-одатларини дунё миқёсига олиб чиқа олди».

Бу фикрлар нафақат педа-гогика фанлари доктори, про-фессор Саидхобор Булатовга, балки халқимиз санъатига бе-рилган юксак баҳоқидир.

Муҳаммадмур АҲМЕДОВ, Низомиёй номи ТДПИ аспиранти.

иш жараёнини таъминлаш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш эса технологик жа-раёнлар ва меҳнаткашларнинг иш ҳа-қи ҳамда иш шариоити, сиҳат-сало-матлигига боғлиқдир.

Маъмурият ва қасаба уюшма кў-митаси фаолияти муваффақиятининг гарови — қўзланган тадбирларни де-мократлаштириш ва ошқора эканли-ги бўлиб, амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳақида корхо-на жамоасига ўз вақтида ахборот бе-рилса, норозиликларга, шикоятларга даярли ўрин қолмайди. Меҳнат аҳли-ни ўз ишининг моддий ва маънавий самарасидан баҳраманд этиш меҳнат-нинг унумли бўлишига олиб келади. Бу масала қасаба уюшма кўмитаси раисининг доимий назоратида бўл-моғи лозимлиги маърузада ўқитиб ўтилди.

Тармоқда меҳнаткашлар ҳамда улар фарзандларининг мазмуни дам олишига алоҳида аҳамият берилмоқ-да.

Жумладан, «Наврўз», «Саморобок», «Рохат», «Чимён» пансионатларида меҳнаткашларнинг оилавий дам оли-ши таъмин этилди. Болалар соғлом-лаштириш оромоҳурида 4273 на-фар бола соғломлаштирилди. Ҳўжа-лик харажатларининг нисбатан қим-мат бўлишига қарамасдан корхона ва ташкилотлар, қасаба уюшма кўми-таларнинг раҳбарлари уларни тўлаш учун бор имкониятдан фойдаланиб, соғломлаштириш бўйича жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбир-ларнинг даярли барчасининг бажарилишига эришдилар.

Улғубек ПУЛАТОВ.

мумкин эмасдир. Лекин бу ҳол фо-жиага олиб келиши ҳам мумкинли-гини унутмаслик керак.

Қўшнига тиббий ёрдам зарур бўлиб қолгани боис ўша фожиали воқеани эслардим. Ҳамонки, телефон аппаратурини қўлиб олиб кетган экан, алоқа ҳодимлари бунинг чорасини топиш керак. Масалан, пулиқ телефон аппаратурини таъкидот биналарига ўрнатиш мум-кин бўлар. Ҳар бир таъкидотнинг қурувчилари бор. Энг муҳими, аҳо-ли зарур пайтда қардан қўнғирқ қилиш кераклигини билади. Метро-лардаги телефонларни ҳам ичкари-га қўчириш керак. Ушанда апарат-лар метро ҳодимларининг назора-ти остида бўлади.

Абдурахмон ЖУРАЕВ

неёкорлик ишларини тақомил-лаштирганлигининг гувоҳи бў-ламыз. Амир Темурнинг фан, маданият, адабиётга бўлган их-лоси, келажак авлодларга му-носиб асарлар, Мовароуннахр тарихининг ёрқин саҳифаларини қолдириш лозимлигини ўқ-тиргани, болалар ўқитишнинг ўр-натилган борасида мадрасаларда турли илмларни ўқитишни йўл-га қўйганлиги ҳайратга тақдим этилган асарларда ўз ифода-сини топа олган.

Танловга тақдим этилган асарларда Темурий маликалар-нинг мамлакатини бошқаришда тугган ўрни, уларнинг дунё ма-даниятига қўшган ҳиссалари ҳам ёрқин саҳифаларда баён этилади. Бибиҳоним, Султон Бахт бегим, Дилшодбегим, Га-варшодбегим каби маликалар-нинг тахт соҳибларига берган қўмақлари ҳақида ва доно шарқ

Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳ-камасининг «Тошкент шаҳар йўловчи транс-порти давлат уюшма-сининг ишини яхши-лаш ва ривожланти-риш тўғрисида»ги Қарори айна муддао бўлди.

Чунки шаҳарда аҳолига транспорт хизмати кўрса-тиш кейинги пайтларда ёмонлашиб бу меҳнаткаш-

Хизматдан мамнунмисиз?

АЙНИ МУДДАО

лар эътирозига сабаб бўл-моқда эди. Шаҳар ишчи-хизматчилари ва аҳолиси-нинг барча юмушлари эса асосан транспортга боғлиқ. Қолаверса, транспорт хара-катининг бузилиши шаҳар саноати ва ишлаб чиқари-шига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ҳаракатда бўлган ҳар қандай транспортнинг мун-тазам ишлашини таъмин этмоқ керак. Айниқса, йў-налишлар бўйича қатновчи автобус, трамвай, трол-лейбуслар ҳаракатини яхши йўлга қўйиш, уларнинг иши-ни қатъий назорат қилиб бориш асосий вазифалар-дан бўлмоғи лозим. Чунки кейинги пайтларда ўз йўна-лишини ўзлари хоҳлаганча ҳар томонга ўзбошимчалик билан ўзгартирадиган ҳайдовчилар кўпайиб кетди.

Бундан ташқари Чилон-зор даҳаси томонга қатнов-чи 4 ва 9-трамвайларнинг ҳайдовчилари «Россия» меҳмонхонаси, «Тўқимачи-лик комбинати» ва метро-нинг Ҳамза бекатида ўн, ўн беш, ҳатто ярим соатлаб йўловчиларни қутиб туриш одатини чиқардик, бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Уларда йўловчиларни ман-зилга етказиб қўйиш эмас

Бу суҳбатга анча бўлди. Ушанда қизик-чи Абдурахмон Сиддиқов «Эганингиз билан босиб чиқаришмайди» деган эди. Унинг менга унчалик ишонқира-маётганини кейинроқ билдим. Ушанда у журналист одам «Қизикчининг оғзидан чиққан гапга жиддий тус бериб ёзди» деб уйлаган шекилли. Шунинг учун ҳам суҳбатдошимнинг оғзидан чиққан ҳар бир гапини асл ҳолича қозоғга ту-

— Бўлмасам-чи! 1979 йилнинг ёзи эди ушанда. Унда мен О. Ҳўжаев номли Сирдарё вилояти драма ва комедия театрида дирижёр эдим. Ҳақиқатим, шу театрининг актёри Рустам Ҳамдамов (афсуски, ҳозир орамизда йўқ) билан Жиззахга тўйга бордик. Уртабосининг кайфи сал ошиб қолди, ҳар хил гап-сўзлар билан даврани кулдиришга тушиб қолди. Негадир унинг айтганлари қизик бўлмас-да, одамлар кулаверди. Аскиячилар юр-тиданмасамми, «Бунинг нимаси қизик?!» деворганимни билмай қолибман. Шунда, раҳмат-

ю, лекин «Ошна, бу жонивор ситирини аския билан боқиб, сутини оломас экансиз-да» деб қўй қолдим.

Қизик, нега келиноиймизини «хотиний ака» дедимиз, ё мен...

Ха-а! Энди буням сабаби бор-да. Унчинчи битирганимдан кейин, уйдагилар уйланасан деб оёқ тираб туриб олишди. Хўп деганимни ҳам билмай қолдим. Бир кун ийга шобиш кетаётсам, Обидахон опангизни (маликаи мухтарамамиз) учратиб қолдим. «Абдурахмон, сарпо кул-лук бўлсин, сизини уйлашмоқчимиз, келинпошша ким

Касалхонада йигирма беш ёшлардаги бир йилгит билан ҳахонча бўлиб қолдим. Олдиёғи-на, сўзасам экан. Муложадан сўнг айнакча кечки пайлар бироз зерикганимизда қизик воқеаларни эслаб, кўнглимизни бўшатимиз. Менинг гапираришга ҳам ҳолим келмагани учун ётган жойимда унинг сарғаштарини тинглаб, кўнгли учин фақат:

— Хўш, кейин нима бўлди? — дейман хобос. Бундан руҳланган ҳахонча тўқилганлиги гапираредди, гапираредди. Баъзан чарчаб, бироз мийиб қўлимни очсам, ҳахонча ҳамон гапираредди бўлади.

— Хўш, кейин нима бўлди? — дейман яна уни гапга солиб.

— Э, тога, ёш бўлсам ҳам бошимдан кўп сарғаштарлар ўтган, — дейди у ийлабдаги чойни хўп-лаб. — Узим асли қишлоқда катта боланим. Боланимдан уй, дала ишлари, мол боқиб билан эдим қотган. Уқишга ҳам унча тобиий йўқ эди, мажбуран бориб келардим, фақат ҳуқим ва жисмоний тарбиядан баҳамон «беш» эди. Шундай бўлса ҳам синфдан синфга қўчиб, арзан унчинчи синфни тугатдим. Шукр-ей, энди уй ишлари билан шуғулланаман деб уйлаган эдим. Буни ҳам Хўдо кўп қўлди.

— Ие, нима бўлди??

— Шу десангиз, тоғасон, дадам вилотда анчанлиқ бўлди одам. Корхоналарни табиий газ, водопровод суви билан таъминлаш бўйича катта ташкилотга бошлиқ, Кўпчиликнинг унга иши тушиб туради, таниш-билишлари беҳисоб. Кўли қўлига тегайди. Билишимча, дадам вилотда энг ташкил этилган политехника институтига газ, сув ўтказишга киришибди. Қизка вақт ичиди ишлари ест қилганидан кейин, набаб ҳисоб-китобга келибди. Институт раҳбарияти иши битганидан қанча хурсанд бўлса, кўли калталигидан шунча хижолат чекармиш. Хуллас, ярим харажати арабн тўлаб, кейин дадамга ялинишга тушибди.

— Кейин нима бўлди?

— Жон ака, фарзандларингиз бўлса олиб келинг, институтга имтиҳонсиз қабул қилиб, яхши одам қилиб берарми. Бу ёнган рози бўласиз. Энди, яхшиликнингизга биздан қайт-маса, Худодан қайтар.

Дадам ўзақ уйлаб ўтирмай:

— Йилгит кишининг сўзи ерда қолгандан ҳўзининг шохин синсин, депти. — Майли, бу ёнган бир амаллаб тўғилаймиш. Менинг уйда

бир парча гўштим бор эди, ўшани олиб келаман.

— Бир парча гўшт ким бўлди энди?

— Мен-да, тога, ким бўларди мендан бошқа. Узин гапининг қисқаси, дадам ҳовилиқ қишлоққа келиб, мени сўйилмаган қўйдек етаклаб вилотга олиб кетди, институт раҳбариятига рўпара қилди.

— Мана, домлажонлар, бир парча гўштимни олиб келдим, деди менга ишора қилиб.

— Бир тарининг остида қўй неча бор озми, неча бор семиради. Бунга ҳам гўшт ташийвериб, зерикди шекилли. «Майли, ўқинингиз йиғиштираюл, ўғлим. «Хамма илми бўлса, подани ким боқадим» дейишган экан. Қишлоққа қайтиб, мол-холларингизга қара. Биринчи навбатда гунаҳини фермага олиб бориб, голландский бугага қочириб кел», деди.

— Ана энди ўзингизга боп иш топибсиз, — дедим унинг кўнглини кўтариб.

— Бу ёнган шитинг, тога. Бу ёнган қизик бўлди дедим.

— Қани эшиттайлик-чи!

— Эртасига гунаҳини етаклаб қишлоқимиз қўчасидан кетаётсам, мен билан мактабда бирига ўқиган Умрихон деган қиз олдимдан чиқиб қолса бўладими!

— Йўл бўлсин, Абдуллажон! — деди у менга қўз қирини ташлаб. Кейин қўшиб қўлди: Сизни ўқига қирган дейишувди, мол етаклаб юрибсиз, тинчликми?

— Ха, ушанга олиб кетаялман, — дедим нима дейишгани билмай.

Синфдошимдан азбаройи уялганидан хайр-маъзури ҳам насия қилиб, тезда қочиб қолдим. Орадан кўп ўтмай, армияга кетадиган бўлиб қолдим. Тўман мулоффа ишлари бўлимига кетаётсам автобусда яна Ум-

койган бўлди:

«Сиздан ҳаракат, биздан баракат» дейдилар, ука. Ҳеч ҳаракат қилмайсиз-ку. Одам уялиб қолаяпти. Дадангиз бир келиб кетсинлар.

Дадам эртасига уч-тўрт кило янги сўйилган қўй ёни, гўшт билан деканимизга учраб келди. Деканимизга ҳам гўштининг мазаси ёқиб қолди, бир ойда икки-уч марта мени хўзурга чакиртиради, эртасига дадам

рихонини учратдим.

Ушанда жуда қизик бўлди-да, — дедим нимадан гап бошлашгани билмай.

— Қанон?

— Ушанда-да.

— Қанон? Бундоғ тушунтириб гапиринг.

— Гунаҳинини учрашуга олиб борганим-да.

— Вой ўлсин, нима экан дебман, — деди у кўли билан юзини беркитиб.

Мен шу гапни унга гапирмасам, худди ичим ёрилиб ўладигандек тилимни тийламадим.

— Биласизми, «қўё боланинг ваҳжоти»ни кўрди-ю, гунаҳини тап этиб ўзини ерга ташлади-да, бир пасда қўли ола-қўли бўлиб, жон берди-қўйди.

— Вой пичоққа ҳам илнимадими?

— Ҳеч қандай пичоқ топиламан дедим. Харом ўлди, жонивор. Жуда яхши ситир бўларди-да, ўлмаганида. Ўзи ҳам жуда етилган эди.

— Уша атрофда пичоқ таққан бирорта эркак зоти йўқ эканми?

— Ҳозир қайси эркак пичоқ тақиб юради дейсиз?

— Сиз ҳам тақмайсизми?

— Одам ўлади.

— Армиядаги хизмат нима бўлди? — дедим уртага тушган жимликни бузиб.

— Нима бўларди тоғасон? У ерда ҳам қандайдир касаллигини бор деб, уч-тўрт ойга қолмай орқага қайтарилди. Энди жигарим, ўт пугагини касаллигим. Эртасига чўзилувчан найча, зонд отаришман.

Эртасига янги бир воқеани эшитиб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Набатчи хамшира Абдуллажонни эрта уйотиб, ундан меъда шираси, ўт сўқилгани ош унча зонд ютиш хосасига олиб қўриб, олдинга чўзилувчан найча қўяди-ю, ўзи бошқа хонага чиқди. Орасига қайтиб қирса, не кўз билан кўрсинки, Абдуллажон олдиндаги чўзилувчан найчани тиши билан гарч-гурч қўйиб, армияга ютиб қўйибди. Бундан бир кўнглим қиёсига, бир газабим қайнар эди. Илгирима беш ёшга қирган нави-кўран йилгитнинг шу вақтгача керакли гап билан кераксизининг фарқига бораганим, ота-онасига боқиманда, илгидай майин, мулоим бўлиб, масъулият ҳис қилмаслиги, ҳахон бир парча гўштинга қолгани мени чўқур уйлантирди. Чиндан ҳам унинг аммининг бузоғидан сира фарқи йўқ эди.

Искандар РАҲМОН

Қайсиси осонроқ?..

шириб қўя қолдим.

— Абдурахмон ака! Янги иморат қурибсиз, муборак бўлсин!

— Раҳмат!

— Сўраганингиз айби йўқ: ҳовилингизни ҳали ўраб улгурмасиз, ҳамма ёни далага туташиб ётибди-ю, дарвоза қуриб, кулф-қалит осиб қўйибсиз?

— Энди ука, дарвозасиз ҳовли-ҳовли бўлтирми? Одатимиз шунча: уйимиз битмасдан туриб, дарвоза ўрнатиб оламиз. Кечқурун албатта унга тамба ташлаб қўямиз. Шу билан биз ҳам, хотин, бола-чақам тинчроқ ухлаймиз. Биров чакригудек бўлса, ҳеч қачон дарвозани айланиб ўтмайди, тақилла-тишди.

— Абдурахмон ака, қўча-қўйда, тўй-маъракада, қўйингиз, ҳамма жойда сизни кўрганлар «Ана, Абдурахмон қизик келяпти» дейишади. Хатто, бола-қайлар ҳам. Шунда галати бўлсангиз керак-а?

— Ие, нега галати бўларканман? Халққа танилиш осонми? Қайтанга мазза қиламан. Лаб-лунжимни йи-ғиштирмай, у кампирми, чолми, раҳбарми, ёш-ялангми, кулишиб кетаверман. Қўлгининг тош-тарозиси йўқ. Дуч келганга улашиб юр-ман. Оқтимол, шунинг учун бўлса керак, биров менга хўрайиб қарамайди.

— Кўпчиликнинг олди-да гап топиб гапириб ҳам оғир иш. Айниқса, бир-иккита давра кўрмаганларга... Биринчи марта халқни кўқираман деб даврага чиққан кўннингизни эслай оласизми?

ли Рустам ака «Қани йилгит, бир даврага чиқайсанми?» дедилар. У ер-бу ерда латифа айтганидан одатим бор эди, шарт қилдим. Қанча аския қилдим, эсимда йўқ. Лекин, қарсағу уштакдан қўлим битди десам, сизга лоф, менга чин. Кимдир «қўл» этиб пешонамдан ўлиб, «Бор экансан, жигар! Чилдирма чалмасан, ҳам қорининг тўярсан» деди. Халигача эслаб юр-ман.

— Аския оламизга шу билан «шарт» этиб кириб келдингизми?

— Йўқ, бу билан эмас! 1986 йилда Қўқонда республика ки-зиқчиларининг беллашуви бўлди. Ҳеч ким айтмасам ҳам бордин. Хуморда бу, ука! Ушанда машхур аскиячи Мухиддин Дарвешов мени даврага чакриб қолди. (Унчага у киши билан бир-иккита тўйда учрашган эдик). Билганимча айтдим. Ҳар қалай ҳеч ким «етар энди» демади.

Кейин Мухиддин ақанинг «қозонида қовурибди» юрди: эшитганлар тўй-пўйга, «катталар давраларга чакришди. Кейин Фарғонадаги «Спартак» уйингоҳи, вилотдаги тадбирлар, радио, газеталар, ният, «Қизикчи-90» дегандай...

— Абдурахмон ака! Демак, сизнинг ҳаётингиз фақат кулиш, кулдириш билан ўтар экан-да, рўзгордаям шунақам?

— Э, қизиксизми?! Ҳаёт бир маромда юрмайдику. Бизам одамларга ўхшаб «хотинбой ака» билан даҳанани жанг қилиб турамыз. Отамиздан тан-бех эшитамиз. Яқинда келиноийнги билан далага ўт юлгани чиқдик. Биттаси қўриб нима дейди дегн? «Ие, қизикчям ўт юладими?» Кулгим қистади-



экан?» деди. Ҳа, шунақа бўп қолди, опа, келинни ўзим ҳам қўрғиман йўқ» дедим. Тўй кун қарасам, ёпйар, келин либосини кийиб, Обида опангиз утирибди! Тақдир экан, худ-го шукр, ахил яшаб келялмиш. Бешта фарзанд кўрдим.

— Қўйил-э, ҳали жуда ёшсизу?

— Барибир, бандасинимас худонинг айтгани бўлади, укам! Фарзандларим Абдулазиз Тошкент маданий-оқаруви техникумда, Гулжаҳон, Гулноза, Махмуда, Элмуродлар қўғувчи. Келиноийнги давлат ҳўжалигида ишлайди.

— Оқшомхонларга тилакларингиз бордир...

— Аввало, сихат-саломат бўлайлик! Юртимиз, элимиз тинч бўлсин. Хонадонларимиз файзли, дастурхонимиз тўқин-сочин бўлсин. «Оқшом» муштарийлари лўмбиллаб-дўмбиллаб юраверсин. Ёмоннинг қўзидан, ғийбатчининг сўзидан сақласин.

Дарвоқе, кулиш осонми, кулдиришми? Мен сизга айтсам, бир марта мийриқиб келсангиз, 1 тонна қарам берган қуватни топасиз.

Хўш, нима дейсиз, бир кулишамизми ёки 1 тоннадан қарам еймизми? А, лаббай?

Рустам БОЙМУХАММАД суҳбатлашди.



КУЛИНГ ДУСТАЛАР,
УМРИНГИЗ УЗОҚ
БЎЛАДИ

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ
ШАКАРЖОНОВ

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри яқинда қирғиз адаби Элмурод Жусупалиев қаламига мансуб бўлган «Бу қандай бало?» асарини сахнага қўйди (Уни театр режиссёри Рустам Маъдиев сахналаш-тирган, бош дирижёр Наби Халилов мусиқа басталаган).

Бу спектакль ҳаётингиз ёзилганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, Раҳматжон Қўболов қўёфасини яратган актёр Алишер Отабоев ўзи-га топирилган вазифани дўндириб бажарган.

...Хамширалар кетган, футбол шинавандаси Раҳматжон Қўболовда бирдан оғриқ пайдо бўлади. Бу ҳолат унда фожиа аломатларини пайдо қилса, томошабинда эса беҳос қулг қўзғайди. Боягина хотини тўл-ғок тутганда унга қарагиси ҳам келмаган ота, энди ўзи-

ни қандайдир оғриқ безовта қила бошлаганда ҳаловатини йўқотди.

Ха, асар бошдан-оёқ табиий қулг билан сўғорилган.

Пойтахтимиз театрида «БУ ҚАНДАЙ БАЛО?»

Ҳеч бир ерида нотабийликни учратмайсиз. Фақат (балки ўзидан ҳам қўшгандир) Алишер Отабоевнинг хатти-ҳаракатларига, унинг санъат қорона яратётган деталла-рига «беш» кетиб ўтираве-сиз. Хўйла ўйлаб топган хамширалар (актрисалар Норпошша Ҳасанова ва Махбуба Умарова) ҳам, уларнинг синовларига рухсат берган док-

тор (Қасрижон Умиров) ҳам асарни кулминацион нуктага чиқишини таъминлашган. Она қиёфаси яратган Гулноза Рустамова ҳам ўзига хос характер яратган.

Асарнинг жонли чиқишида кўпроқ актёр Алишер Отабоев ҳамда Норпошша Ҳасанованинг салмоқли ҳиссаси бор. Бир спекта-клда Н. Ҳасанова ҳам ҳамшира, ҳам чет эллик профессор қиёфасини яратиб, боз устига беҳос қулг қўзғатиш йўли билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. А. Отабоев ҳам ҳар битта хатти-ҳаракати билан томошабинни кулдиради.

«Бу қандай бало?» спекта-клининг сахнага қўйилиш театри жамоаси муваффақиятдир.

Зойир ТУРСУНОВ.

ҲАЗИЛ ШУРПЛИКАЛАР

Кеча оқшом келар эдим метро билан, Бир қўлда гуа, биттасида водро билан. Ҳайҳот!!! Гуа, сарвақомат ўзбек қизи, Етақлашиб бораётмиш Петро билан.

Йилгит бўлсангиз оғзингиз ҳеч нос олмагин, Сирин берма, ўзингиз ҳам нас олмагин. Бозор борсангиз тарозидан уриб қолган, Полюкелбаб қасобларга қасб қилмагин.

Тунов кун ийқлаб борсақ қизлар билан, Устоз Гулмат меҳмон қилади жисиза билан. Янги ёзган шеърларидан ўқиб бериб, Сирин тўқиб, сиралишди биза билан.

Хўбонни сайр қилиб ёрим билан, Кўнглини олиб, меҳмон қилдим борим билан, Шейр, қўшқ бор, орақ очиб қўйлашайман. Ишар бўлмас фақатгина қўриб билан. ФИГОНЕЙ.



Қизикчиларнинг оғзи қулоғида: қовун пайрови барчаси мансур бўлмақда. Рустам Шарипов олган сурат.

АСКИЯ ИМОРАТ ПАЙРОВИ

АБДУЛЛАХАЙ АКА. Жалолиддин, мана мустақиллик тўғайли ҳамма ерли, сувли, газли бўлди. Сиз ҳам одамларга ўхшаб ўғилларингизга янги иморат қуриб бериш учун ер олдингизми? Ё ҳали ҳам ноз қилиб «Бешкапа»да қолмоқчимизми?

ЖАЛОЛИДДИН АКА. Ўша сиз айтган жойда оилам билан ўзим қолсам ҳам албатта бирорта ўғлимни шаҳарга қўйиранман. Ер тузувчилар қонунга асосан уйланидангиз ўғлимга ер беришса бас. Дарров уй солишга киришиб, кетаман. Қанчонгача сизга ўхшаб нинининг устида ўтираман?

АБДУЛЛАХАЙ АКА. Қари билганим, пари билмайди, дейдилар. Ер олишга шошиб, олган ерингиз уйбур-чак. На у ёғли, на бу ёғли. Бунинг устига қўшнингидан кичкина экан.

ЖАЛОЛИДДИН АКА. Ака айтганингиздек мен ҳам ёшмадан. Ер тузувчиларга айтишга устаман, жойи катта-роқ, кенг-роқ бўлсин, жуда бўлмаса, бир газча қўшо-ринг, дейми-а?

АБДУЛЛАХАЙ АКА. Алла-қачон менга ер беришган, хабарингиз йўқ экан. Тунов кун қўшнингидан айтиб юборган эдимку сизга. Устанинг жой олибди, иморатга пойдевор қавлатипти, Жалолиддин пойдеворга ташлана-диган тошини тераверсан деб.

ЖАЛОЛИДДИН АКА. Уста, сиз ҳам ер олишда озроқ янгилибсизда. Тагин-гиз ҳеч қанча қавлангани

йўқ-ку. Нукул, суви чиқиб кетаяпти. Кўпчиликникин аччадан бери қовлаб юрасизу ўзингизнингизга келганда зах-лабсиз-да ака.

АБДУЛЛАХАЙ АКА. Ерни шиббалашда пойдеворга сув қўйилади. Шунинг ҳам билмайсизми-а? Утган йили қў-ган иморатизга бир қаранг, ҳалитдан ёнбошга чўққан. Га-лимга кирсангиз ёруғ ёзда у-сталарга қайтадан қурдиринг.

ЖАЛОЛИДДИН АКА. Уста, оғзингизда тишингиз қолмай, ёшингиз ҳам бир жойга бо-риб қолса ҳам ҳеч паст туш-майсиз-а, энди йўлни ёшлар-га беринг. Шифердан тушинг, янги шифер синмасин, ака.

АБДУЛЛАХАЙ АКА. Ёшлар-га ўрин берай дейману, улар иморат ишини ҳаммасини ба-дастур бажара оламидилар-да. Биттаси сизми? Ҳеч га-лимга қирмайсиз. Мана бу ёк-дан қурясизу, орангиздан нураб тушпяти.

ЖАЛОЛИДДИН АКА. Уста, сиз гапини ҳар ёққа бурманг. Янги қурган иморатим битди деган эдик. Ҳали ўзин бориб қўрмайми ошна-оғайиллар айтишича иморатизини усти ёпишмаган экан. Ҳали ҳам уйингизда усталар юришган эмуси.

АБДУЛЛАХАЙ АКА. Ўша ошна-оғайиллариз сизни ро-са алдасибди. Ёшингизда-данок алдова ўрганиб қол-гансизда, ука. Узингизча «ром» қўрмай келаверинг меҳмонга. Уйдагилар келин билан сизни қўришиб «Пар-кет» дейишмаса бас, ука!

Абдулла ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси.

ҚУПОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

БАХТ-САОДАТ ТИМСОПИ

Энг яхши аёл ўзи билма-ган одоб-тарбияни китобдан олиб, ўз болаларига ўргатса, бундай хотин оиладаги бахт-саодатнинг мўжассам тимсо-лидир. Шунинг учун ҳам ке-саларимиз яхши хотинни ои-лангиз битмас-туганмас ҳази-наси, деб таърифлар эканлар.

ШИРИН СЎЗ — ОИПА УСТУНИ

Баъзан эркаклар бажара олмайдиган энг оғир ва муш-кул ишларни аёллар ақли мумоалалари билан бажара оладилар. Агар ҳар қандай вазиятда ҳам хотини ва бо-лаларига хайрихоҳ бўлган, уларнинг камчиликларини бо-сини билан ўзларига тушун-тириб, уни тузатиш ҳақида са-мимий маслаҳат, йўл-йўриқ қўриб, ютқуларини эса меъёри билан қўллаб-қувват-лаб турадиган одамнинг ои-ласига ҳеч қачон шайтон о-раламайди. Доимо бу хонадо-дан кут-баракат аримай, ои-ла аъзолари ҳузур-ҳаловатда қол-кечиришади.

Шунинг учун ҳам энг авва-ло эр-хотин ўзаро ширин сўз бўлишлари даркор. Бу ои-ланг асосий устундир.

Шу ўринда шoir Ал-маийнинг ушбу байтини кел-



тириш аини мўддаодир:

Кимки бўлса, хўш чирою, хўш қилиқ, Доимо кўргай жаҳонда яхшилик. Яхшилик тухми саодатлар берур, Гар тикан эксанг, ойингга қирур.

ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Тарбияли аёл ҳеч қанча тар-биясиз аёллар билан бирга юр-майди ва уларни ўз уйига қа-дам босиб киришига йўл қўймайди. Чунки, бундай фа-роқатли хотин халқимизнинг «Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг яраси юкар» деган мақолини яхши ўқиб олган бўлади.

ФАРЗАНД ИТОАТКОР

Ота-онаси ким ва қандай бўлишидан қатъий назар, фарзанд уларга итоаткор, хўрматларини доимо бажо келтириши шарт. Шунингдек у қўлидан келганича ота-она-сига ёрдам бериши, оғирини енгил қилишга мажбурдир. Агар «Ота рози, худо рози» деган мақол бекорга айтил-ган эмас-да.

НОРОЗИПКИ

Бир иғвогар иккинчисига деди:

— Мен инсоннинг қулоғи-ни яратган Оллоҳдан норози-ман.

— Тавба қилдим де, нома-рд! Нега энди норозисан, қу-лоғинг динг, пашшанинг ово-зини баралла эшитсанг-ку!

— Тўғри, ҳатто қўмолилар ўзаро нима ҳақда суҳбатла-шишса эшитаман. Аммо, ҳу-дойим қулоғимни микрофо-ндек ўрнидан олинандиган, узун шунор билан истаган жойга қўйиб, бошқаларнинг суҳба-тини эшитадиган қилмаганим хафаман-да!

БАХТ ҚУШИ

Гар қўнса, бахт қуши чи-вин бошига, Бургут келиб турар, унинг қошига...

Махмуд ИБРОҲИМОВ.

Ҳангома ОНАСИНИКИГА КЕТГАН ДЕБ УЙПАБМАН

Раҳмон АЛИ.

МУСАҲҲИХ ЁН ДАФТАРИДАН

◆ Қопиб гапирди (то-пиб).
◆ Устаси гаранг экан (фаранг).
◆ Ишни чаён қилди (баён).
◆ Қуруқ наво (хаво).
◆ Энди қўмичи лой ичи-да (мой).
◆ Эртаси ниш врач қаб-ул қилади (тиш).
◆ Қуёв бола, хотинини

эплай олмасангиз оши-ни очиб қўйинг (боши-ни).
◆ Жўмракдан сув текин оқяпти (секин).
◆ Аввал тўйла, сўнг сўйла (ўйла).
◆ Ёр юзида ҳаётнинг гуллаши (ер).
◆ Овитувчи

Маълумки, ошқозон-ичак касалликларининг 70 — 80 фоизи асосан нотўғри овқатланиш, яъни ўз вақтида кечиктириб, оч қоринга тўйиб таом ейиш, ёғли, кучли, микробни қиздирувчи маҳсулотлар истеъмол қилиш ҳамда микробга мос келмайдиган озиқ-овқатлардан тановул қилиш, шу билан бирга овқат ҳазм бўлмаслиги ёки ёмон ҳазм бўлиши оқибатида юзага келади. Шунинг учун бундай ҳасталиклари даволашда шифобахш озуқалар билан овқатланиш асосий ўринини эгаллайди.

Меъёрида гап кўп

ОВҚАТ УЧУН ЯШАЙСИЗМИ ЁКИ...

Масалан, пархез таомлар овқат ҳазм бўлмаслиги оқибатида юзага келадиган асоратларнинг ва ҳазм аъзолари жисмоний ҳолати билан физиологик имкониятлари мос келмаслигининг олдини олади. Бундай овқатлар билан даволашда таомнинг танага маҳаллий таъсир кўрсатиш йўллари ҳисобга олиш муҳимдир. Маҳаллий таъсирда таом сезги аъзоларига, яъни қўриш, таъм билиш, ҳид сезиш ва тўғридан-тўғри меъда-ичак йўллари таъсир этади. Керакли микробдор қўшилмадиган зираворлар, кўкатлар, лимон кислотаси ва бошқалар таомни ширин, мазаги, хушбўй қилади, иштаҳани очади. Бунда овқатга тузани озорок солиш, кўпинча қайнатма, димлама ва чала ёнғил қовуриб, духовкада димлаб пиширилган таомларга эътибор бериш зарур.

Шу билан бирга пархез овқатлар ижтимоий, иқтисодий, географик ва иқлим шароитларига кўра одам ўрганган таомларга асосланиб тайёрланиши керак. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги миллий таомлар истеъмол қилади. Агар таомлар тури кескин ўзгаририлган бўлса, меъда-ичак йўлининг шира ажратиш фаолияти бузилиши оқибатида овқат ҳазми издан чиқиб, касаллик ўзгариши мумкин. Ўлкамизда пархез таомларини тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Дармондориларга, минерал тузларга бой кўкатлар, сабзавотлар деярли йил бўйи етиштирилади. Ошқозон-ичак касалликларини даволашда ҳозирги пишиқчилик пайтини ҳисобга олиб куйидаги пархез таомларини истеъмол қилиш маслаҳат берилади.

Ноҳуштага: кун давомида қурилган нон ёки бир кун олдин ёпилган 1-нав ундан тайёрланган нон, ёғсиз қулча,

печенье, ширчай, ширхўрда, чала пиширилган туҳум, сувада пишган ёки сарёнда қовурилган қўймоқ, касаллик турига қараб қаймоқ.

Тушқи таомга: ёғсиз қайнатма шўрва, қийма мастава, қийма шўрва, товуқ шўрва, қарам дўлма, шовла, сабзавотли ёки мол гўштидан сариёғли димлама, мол, қўй гўштарининг ёғсиз жойидан қайнатилган ёки духовкада димланган сабзавотли (сабзи, қизил лавлага, қарам) гарнир, помидор, сабзавотли салатлар.

Тушқи қуюқ, таом билан албатта кўкатлар (укроп, кашанич, петрушка) солingan қатиқ ичиш саломатлик учун катта фойда беради. Суюқ ва қуюқ таомлардан сўнг албатта янги пишган ширин мевадан ёки қурилган таомларга олма, ноқ, шафтолидан тайёрланган шарбатлар ичиш керак. Бундай тавсияга сабаб, таомдан сўнг ичилган шарбатлардан, танага сўралаётган дармондори ва минерал тузлар билан бир қаторда темир моддасининг ҳам ошқозон-ичак орқали танага ўтишига ёрдам беради. Бу билан биз айнақча, болалар, ҳомилдорлар ва эмизикли оналарда учрайдиган темир моддаси етishмаслиги оқибатида келиб чиқувчи камқонликнинг ҳам олдини олиш бўласиз.

Кечки таомга: яхши пишган ёғсизроқ палов, шовла, манти, қатиқли чучвара, қарам дўлма, сабзавотли димлама, ширгучур. Ичимликлардан қўй чой, суюқ чой, султи кофе, турли ширин мевалар шарбати.

Ётиш олдида 100 грамм кефир ёки чучук қатиқ.

Равшан ҲУСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қандайдиган Диетология марказининг илмий ходими.

Ўтган йили халқаро Бобур экспедицияси Хирот шаҳрига бориб, мутафаккир шоир Алишер Навоий таваддул топан ва дафн этилган муқаддас заминини зиёрат қилди. Таассурот ва илмий маълумотлар жуда кўп. Ҳозирча фақат бир муҳим муаммо ҳусусида сўз юритмоқчимиз. Гап Алишер Навоийнинг ҳоки кўмилган манзил тақдир ва келажиги ҳақида.

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби мутафаккирлар ижодий муҳитида улғайган Фахриддин Али Сафий «Латиф ут-тавоф» китобида мўйсафидлар даврасида Навоийнинг дил розини ошқор этади. Буюк мутафаккир дорулбақони ўйлаб, ўзи орзу этган тўрт жойни танлаган экан: Ризовия боғи, Абдуллоҳ Ансорий хазараси, Саъидидин Кошгарий мазори ва ниҳоят, ўзи қудридан Қудсия номи масжиди жоме таркибидаги, Хондамир таъбири билан айтсак, «Муқаддас гўмба».

Шоир Хиротнинг машҳур сайилгоҳи бўлиш Мусаллода Инжил ариғининг ёқасида ўзи учун «Унсия» номи хондонини боғчаси билан қурди. Уйи яқинидаги Марғаний деган жой қўши ўрнида Илохия мадрасаси, Халосия хонақоҳи, Шифоия шифохонаси, Сафоя хаммоми, кейинроқ «Қудсия» номи жоме масжиди қуриб берди. Масжид-мадрасалар учун вақф мол-мулк ажратди. Барча хизматчилар учун — мударрисдан талабагача маош тайинлади. Навоий барча меъморий биноларни бираштираиб, ўша жойни Нейматобод деб атади. «Қудсия» жоме масжиди таркибида «Муқаддас гўмба» бўлган. Шу гўмбада остига Алишер Навоий дафн этилган. Асрлар давомида бу маскан муқаддас зиёратгоҳ бўлиб келган.

Ҳозирги Мусаллони қузатар эканмиз, Алишер Навоий бунёд этган, асрлар давомида халққа зиё тарқатиб келган масканлардан ном-нишон қолмаганини кўрамыз. Қолдиқлари эса янги замон уй-жойлари тағида археологик ёдгорлик бўлиб ётибди. Қайси сабабларга қўра Нейматобод ер билан яқсон бўлди? Тарихда шундай муҳим ёвузликлар бўлган-ки, уларни эслаб лаънатга сўз тополмайсиз. Ахир бир мамлакат подшоҳи ўз Ватанининг фахри бўлган, жаҳонга машҳур меъморий ёдгорликларни замбарқарлар билан ўққа тутиб, ер билан яқсон этганига нима дейсиз? Бундан қарийб бир аср муқаддас подшо Абдурахмон томонидан Мусалло виайрон қилинди. Нейматобод бинолари ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетди, шу жумладан «Муқаддас гўмба» ҳам. Кўп йиллар давомида виайрондаги гиштар атроф маҳаллалардаги қуришлар учун табиб кетилди. Машҳур Мусаллонинг беқисс меъморий биноларидан эс-далик сифатида фақатгина Гавхаршодбегим мақбараси, у қўрган мадрасанинг бир минораси ва Султон Хусайн Бойқаро номи билан боғлиқ мадраса ва хонақоҳнинг тўртта минораси савлат тўки бўлибди.

Афғон олими Фирки Салжукнинг «Амир Алишер мақбараси» номи мақолада айтилишича, ҳозирги янги мақбара 1947 йилда Хирот савдогарларидан Фуломхон Ҳайдар Мухторзода ҳаракати ва ҳаражати билан қурилган. Лекин маблағ етishмагани учун биро тақсир беэақарсиз қўлиб кетган. Қоратош тахталардан иборат қабр устидаги даҳма эса кейинроқ, 1967 йилда ўрнатилган. Фирки Сал-

жукй Алишер Навоий даҳмасининг бош томонида яна бир тоштахта борлигини ва унда Хондамир қаламига мансуб олти қатор эпитафия — тарих ёзилганини айтади. Халқаро Бобур экспедицияси аъзолари бу ерга келишганда ўша қоратош ҳам ўрнида йўқ эди, уни ўғирлаб кетишган экан.

Алишер Навоийнинг 1947 йилда қурилган муваққат мақбарасини, қабртошларини диққат билан ўрганиб чиқдик. Ҳаммаси ҳозирги замон қурилиш материалларидан ясалган. Хатто мақбаранинг ўлчамлари ҳам метр асосида белгиланган экан. Квадрат тарх ўлчами: тош қисм 10,0х10,0 метр, ичкараси 6,0х6,0 метр. Мақбаранинг шимол-шарқий ташқи бурчагини очик қўрдик. Пойдевор чўқурлиги 1,0 метр. Ҳеч қандай иморатнинг қолдиғи топилмади. Демак, янги мақба-

Мозийга қайтиб...

НАВОЙИ ҚАЕРГА ДАФН ЭТИЛГАН?

ра эскисининг устига қурилган, деган овоза бутунлай асоссиз эканлиги очик-ойдин бўлиб қолди. Гавхаршодбегимнинг мақбара билан мақбараси олдида янги қурилган мўъжаз мақбара кўп жиҳатдан, ҳусусан жойлашган ўрнига қўра тасодифий эканлиги кўриниб турибди.

Ҳозирги муваққат мақбара ўрнига дастлабки мақбара ва унинг атрофидаги бошқа биноларни ҳаёлан жойлаштириш фокчи бўлсак, қатор мулохазалар бундай фарзанинг ўринсиз эканлигини тасдиқлаб беради. Масалан, Хондамир «Макаримул-ахлоқ»да марҳум Алишер Навоийни «ўзининг масжиди жомеи ёнидаги илгарийдан шу ҳодиса учун ясаб қўйилган гўмбага олиб келиб дафн қилдилар», деб хабар беради. Бошқа бир бобда Хондамир масжиди жомеининг Марғаний боғида эканлигини кўрсатади. Навоий «Марғаний боғида гўя зинайтилиб бир масжид бино қилиб... ўзи ўша ерда беш вақт намозга ҳозир бўларди». Бу масжид шоирнинг истикомат уйи «Унсия» яқинида бўлиши табиий. Мақбара учун мўлжалланган «Муқаддас гўмба» ҳам масжид таркибида бўлган. Бобур 1506 йили Хирот сафарига Навоийнинг уйи «Унсия»да яшагани, унга яқин жойдаги «Қудсия» жоме масжиди ва Навоий мақбарасини зиёрат қилганини ёзиб қолдирган.

«Вақфия»да қўрсатилишича, Марғаний қўши боғи билан «Унсия»нинг «ҳадди жануби билан ҳадди шарбийсининг мо-балинда» бўлган. Сўнг «девори ҳам кирпичдан» бўлган қўши Марғаний хонақоҳларини қўриб ташлаб, ўрнига «Илохия» деган қўша мадраса қурдирган. «Илохия» мадрасаси жанубий ҳаддининг тошидиники. Инжил ариғи оқар. Бу ариқнинг жанубий қирғоғи бўйлаб катта йўл ўтган экан. Инжил ариғи ҳозир ҳам шарқдан қарбга томон йўналишда ястаниб ётибди. Бундан ҳулоса чиқадикки, «Илохия» мадрасаси ва «Унсия» уйи Инжил ариғининг шимол томонида жойлашган. Мавжуд янги муваққат мақбара эса Ин-

жил ариғининг жанубий томонида. Бу ҳол мантиқа сиймайди, ўртага сохталар аралашгани маълум бўлиб қолади.

Ҳозирги муваққат мақбара ўрнида дастлабки «Муқаддас гўмба» бўлган деб фараз этсак, у вақтда мақбара билан боғлиқ «Қудсия» масжиди жомеи, «Илохия» мадрасаси ва айнақча «Унсия» уйи жойлари Султон Хусайн Бойқаро мадрасасининг харобалари ўрнига тўғри келади. Бу эса ҳақиқатдан мутлоқ узоқ. Юқорида айтиб ўтганимиз, ҳозирги муваққат мақбара тағидан ва атрофидан эски бино қолдиқлари топилмаганини эътиборга олсак таҳлилимиз яна бир бор тасдиқланади. Ҳусусан мақбара ичидаги 1967 йили ўрнатилган қабр тошларидаги ёзувлар ҳам янги эканлигини эсласак, Алишер Навоий қабри ва устидаги қабртош қайси виайрона тағида қўлиб кетган экан, деган савал турлади. Таҳлил ва таҳминлар асосида Навоийнинг табарруқ ҳоки қўйилган «Муқаддас гўмба» виайронлари Инжил ариғининг шимол томонида жойлашган ҳозирги маҳалла уй-жойлари остида қўлиб кетган деган ҳулоса чиқадикки.

Алишер Навоий «Маҷолисун-на-фоис»да Ҳофиз Жалолиддин Маҳмудий «Илохия» хонақоҳининг шайхидур ва «Қудсия» масжиди жомеининг хатиб ва имоми ва яхши меҳробон ҳофиздур», — деб таърифлайди. Бу маълумот бизга «Илохия» мадрасаси (хонақоҳи билан) ва «Қудсия» масжиди жомеи ўзaro яқин, балки бир ҳовли эканлигини билдирди. Бу ҳолда «Илохия» мадрасаси таркибидаги ҳовлининг қарбий томонида жойлашган масжид (кейинчалик «Қудсия» номи билан олган) бўлиши ҳам мумкин. «Вақфия»да Навоий «Илохия» мадрасасидан қирғач масжид анинг ҳадди қарбийки, қибла сори бўлғай, воқеъ бўлди», — дейди. «Қудсия» масжиди жомеи шу маскан деб фараз қилсак, у вақтда мадрасанинг тўридаким, ҳадди шимолдирдур гўмбази ясалдиким», — деган хабар диққатни жалб этади.

Дорул-хуффо деб номланган бу гўмбада қорилар ҳар қуни Қуръони тиловат қилганлар. Хондамир айтган «Муқаддас гўмба» ўша мадраса ва масжиди жомеи ҳовлисидаги Дорул-хуффо бўлиши мумкин. Мазкур фараз ҳам Алишер Навоий дафн этилган «Муқаддас гўмба» Инжил ариғининг шимол томонида эканлигини тақозо этади. Шоирнинг 1947 йилда қурилган муваққат мақбараси, ичидида қабр ҳоки борми, йўқми, ёлғиз яратганга аён.

Умуман, Мусалло ёдгорлиқларининг археологик қолдиқларини атрофида ўрганиш ҳам гўя зарур илмий муаммодир. Ахир Гавхаршодбегим масжиди ва мадрасалари, Султон Хусайн Бойқаро мадраса ва хонақоҳи, Алишер Навоий номи билан боғлиқ, Нейматобод барча меъморий бинолари билан ва ниҳоят ҳозир бош қотириганимиз шоирнинг мақбараси қолдиқларини, насиб қилса, қабртошнинг топилиши керак. Қолаверса, Мусаллонинг бўм-бўш бўлиб қолган ҳозирги майдонларининг бирида Алишер Навоий мемориалини — маданий марказни қуришни ҳам замон тақозо этади.

Пўлат ЗОХИДОВ,

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг меъморчилик бўлими мудири.

Ибратли ҳикоятлар

ИМОМИ АЪЗАМ АБУ ХАНИФАНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ

Қунарнинг бирида Ҳўжа Собит ақорнинг бўйида ўтирганида нигоҳи сувада оқиб келётган олмага тушди.

Ҳўжа олмани ушлаб, бир тишлади, ярмисини еганида ҳаёлидан ялт этиб бир фикр ўтди: «Йе, бу олмани тўғри олиб еялман. Олма қайси боғнинг ва кимнинг мулки эди.

Киёмат кунда бунинг ҳаққини сўрасалар нима деб жавоб бераман». Ҳаёлидан кечган бу гаплардан сўнг, сесканиб кетди. Ювиниб бўлгач, ярми тишланган олмани қўлига олиб, ариқ ёқалаб оқимга қарши томон йўлга тушибди. Ана юргандан сўнг, қаршидан бир боғ чиқди. Анҳор ана шу боғнинг ичидан оқиб ўтар экан. Ҳўжа Собит олма шу боғнинг мевадси эканлигига ишонч ҳосил қилиб, ул чаманга назар солди. У ерда ишлагатган кишига салом бериб:

— Бу боғ сизникими? — деб сўради.

— Ҳа, — деб жавоб берди нуруний.

— Манави олма сизнинг боғингиздан бўлса керак.

— Шундай, болам.

— Мана шу олмангизни берусиз тишлаб қўйибман, — деди йигит. — Шунга рози бўлинг ёки ҳаққини тўласан.

Мўйсифид сездик қаршида покиза, одобли йигит турибди. Унинг юзидан улғуворлик ва олижаноблик барқ уриб, боғбонда хайрхоҳлик уйғотди.

Инчунин, инсонда бировнинг ҳақидан қўриқш ҳисси уйғониши учун, аввало у етарли даражада исломий тарбия қўрган бўлмоғи, шарият ва тариқат илмларидан бохабар бўлмоғи лозим. Буни ҳис қилган мўлук эгаси:

— Сўтмайман. Аммо бир шартим бор. Уни қабул қилсанг сени кечираман, — деди миннатдорлик билан ёрига термулди.

Шундай қилиб, икки гўзал қалб соҳиблари аллоҳнинг ибодати ила машғул бўлиб, туннинг поёнида бир-бирини қизим бор. Шу зафони ниҳонингга олсанг, еган олмангнинг ҳақидан кечаман.

Ҳўжа Собитнинг боши ҳам бўлиб, ўйга толди.

Бировнинг олмасини рухсатсиз тановул қилганим учун

Туйғулар

ЯПРОҚ

Тилларанг тусга кирган япроқ узилиб ерга тушди. Юрагини бир нарсга кемтилгандак бўлиб: баҳор, ёз шунақлар тез ўтиб кетдикми? Кечанига ям-яшил бўлиб, ҳаёт қўшиғини қўлга олаётган япроқ бугун уми интиқосини қўрипти...

Умр деганлари довол ошгани-ошган экан-да. Япроқ ниш уриб, бўртиб, сиқонқулоқ бўлганидан бошлаб, қўрган кишининг қалбига шодлик улашар эди. Одамларнинг гайратига гайрат, закига заққ қўшилларди. Шамолда охиста тебраниб, шовдиратган япроқнинг ҳаёти шундан иборат деб ўйлашарди.

Чиндан ҳам япроқ ўз вазифасини ҳалол ўтади. Езда мева-ларни қўшибдан пана қилди. Оғирот ўришдан сақлади. Қўн қизилда елпиди, қўн салқинда қилтиди. Қўн салқинда тўйиб-тўйиб симириб, дарахт танасига қувват бахш этди. Мева-лар алвон-алвон пишганда япроқнинг қувончи чексиз бўлди: азбаройи шодлигидан қарсақ уриб юборди.

Бугун эса унинг оти япроқ эмас, ҳазон. Ётар жойи ҳам баландда эмас, она замин қўчоғида. У сарғаймасди, узилмасди. Лекин фасл ўз ишини қилди: қузнинг биринчи иши табиатга тилла сочиш. Узуларни тармевалар тилларанг тусга кирди. Қирмиш олмаларнинг яптирашини қўриб инжу дейсиз. Олис далалар оппоқ... Қузнинг иши бу... Ана шунда япроқ табиатнинг азалий қонунига бўйсунмаслик тентаклик эканини аңглади. Бирдан сап-сарик тусга кирди.

Ерда ётган япроқча қараб туриб ўйлабми: япроқ эрта баҳорда яна тирилади. Аммо инсон ҳаёт дарахтидан узилиб кетса қайта тирилармикми? Инсоннинг қайта туғилиши — унинг қобил фарзандлари, яхши, эзгу ишлари эканлигини барча билармикми.

... Яна бир япроқ узилди... Яна... Яна... Она замин узра худди қўрпадек тўқилляпти япроқлар...

Ҳали баҳорда ариқлар, анҳорларда жўш уриб, қирғоқларни ўпириб ташламоқчидак шиддаткор эди. Қирғоқлар қўлиб: «Ҳали ёшсан — пишарсан, бу шаддиндан тушарсан» дегандек бўлишарди. Лекин сув бўш келмасди: ҳали тошларди, ҳали тошларди.

Сувчилар унинг шўхлигидан безор бўлди. Янги ариқлар олишиб, уни далалар томон буриб юборишди.

— Вой-бў! — деди ҳайратланиб сув беповон кенгликларини қўриб, — тоза хуморим босилганидан бўлди-да.

Роса қўлигидан югурмоқчи эди, бўлмади: қўлогига заифгина овоз чалинди.

Хой, ошна, шовилма, мириқиб ичиб, ташналигимни қондирай. Сув қараса мийти нихол. Худди жуводизга ўхшайди. Авақлига бор-ай деб кетармоқчи эди, қўнгли бўлмади. Қел, шулар ҳам яйрасан, деб охиста мийллариб окди. Ётар бошига бориб ортига қараса қўчатлар барқ уриб қўлибди, қилган ишидан севиниб, яна окди.

Шу тариқа сув ўзи билан ўзи овозра бўлиб кетди. Ҳали экинларни сўғирди, ҳали дарахтларнинг ташналигини қондирди, ҳали сув омборларини тўлдирди. Шўхликларидан асар ҳам қолмади.

Сумбула туғиши билан сув шундай тиниқлашди, энди унга қараб пардоз қилса бўларди. Шафқоф, нақк мўъжизанининг ўзи эди су. Ёз бўйи қилган меҳнатидан асло ўқинмади. Мана, қилган юмуши эвазига юзи тиник, тоза, шодлигини ҳам бўй.

Инсон ҳам кекайишганда, томирларида туғён солиб оқётган қонлари совиб, фикри тиниқлашганда ана шундай юзи ёғу бўлишини истайман. Сув баки мусофиро умридан ўқинмаслигини истайман. Ҳалол, боқира яшаб, қалби ором оғушида бўлишини истайман. Чунки яхши яшаган умр ҳам оби-ҳаётдир. Ундан минглаб қўнғиллар сўз ичидан, ибрат олади.

Фақат... фақат... олтиминчи доводона ҳам қойилгани яшаётганларини қўриб, афсус кечаман. Ахир улар ҳам тиниқ яшаса бўлардику!

Ғолиб МИРЗО.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

Бирлик даҳаси, Тақачи маҳалласидаги 4 хонали кв-ра
СОТИЛАД
Т. 47-93-87.

«Ўзбекино» Давлат-акционерлик компанияси ва «Ўзбекфильм» киностудияси жамоаси киностудия овоз оператори А. У. Курмановага аксис
Анвар Усмонович КУРМАНОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради-лар.

«Билим юртида коллектив деб аталадиган болалар ташкилоти бўлиб, бунинг соғлиқни сақлаш, суд, кутубхона ва клуб ишлари, наشريёт бўлимлари бор эди. Шу бўлимларни бошқарган болаларнинг ҳаммаси катта бўлганида ўша йўлдан кетди. Мен фақат наشريёт бўлимига сайланиб, деворий газета чиқарар эдим», — деб эслади ўзбек халқининг севимли ёзувчиси А. Қаҳҳор болалик хотиралари ҳақида.

Дарҳақиқат, ёзувчимиз Қўқондаги билим юртида ўқиб юрган вақтларида тинмай ўқиш, билимга чанқоқлиги билан тенгқўрларидан ажраллиб турар эди. Шу сабабданими ёки Абдулланнинг келажиги порлоқлигини билибми, уни ўқитувчилар билим юртида чиқадиган деворий газетга муҳаррир қилиб тайинлашди. Ёш Абдулланнинг тинмай деворий газеталар чиқариши, кўп изла-ниши ўзида «ўқиб ётган» қобилиятининг кўртак очилишига сабаб бўлиб боради ва кейинчалик халқимизнинг севимли ёзувчисига айланади.

Мен сизларга, ёзувчининг ижоди ҳақида ёки унинг асарлари ҳақида эмас, балки унинг ўсмирлигидан, талабаллик йилларидаги хотира бўлиб қолган, биз учун номалум бўлган ва ёзувчи архивида қарийб 62 йилдан бери сақланиб келадиган бир деворий газета ҳақида фикр қўришмоқчиман.

«Кумуртки» деворий газетасининг материаллари билан танишамиз: 1923 йил 14 апрель шанба кўни. N 1. «Билим юрти» деворий газетасига илова: қулғули, танқидий, ҳажвий, расмий газета бўлиб, ҳар икки ҳафтада бир мартаба чиқадур. 1923 йил 14 апрелдан чиқа бошлади», — деб ёзиб қўйилган. Бундан кўриниб турибди:

Маданият масканларидаги ижодий жамоалар улғу боболаримиз Амир Темур таваддулининг 660 йиллигига бағишлаб турли жанрлардаги сахна томошаларини тақдим этмоқдалар.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика марказида фаолият кўрсатаётган «Истеъдод» театр студияси ижодий жамоаси драматург Фарход Аҳмедовнинг «Сўнгги кеча» деб номланган тарихий драмаси билан муҳлис-ларни қўтиб олдидлар. Режиссёр Муҳаммадхон Қозоқбоев сахналаштирган спектаклда Амир Темур ҳаёти ва унинг васиятлари асоси воқеаларни ўз ичига олади. Бугунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган бу васиятларнинг сахнадаги талқини,

диско клуб ижодий жамоаси «Аёл билан мунаввар олам» деб номланган дастур тайёрлади.

Истиқлолга ўз тутган жамя-тиямиздаги аълонинг ўрни, оила ва бола тарбияси, ўзбек хал-

қи, деворий газетанинг биринчи сони, биринчи кишии экан. Деворий газетанинг яна бир муҳим ва биз учун қизиқарли томони газетга ёзувчимиз ўз қўллари билан расмлар чиқган ҳамда расмларнинг тағига изохлар ҳам келтирган. Ёзувчи-миз расмларнинг тағига

Йиллар хотираси

ҚАҲҲОР ИЖОДИГА ИЛК ҚАДАМ

Ёзувчимиз томонидан чиқарилган деворий газеталарнинг 4 таси ҳозиргача ёзувчи архивида сақланмоқда.

Тўғри, бу деворий газеталарни ёзувчи ижодининг намуна-лари дея олаймики, лекин ёзувчимизнинг ижод оламига қиришди нималардир пайдо бўлаётганлиги сезилди. Дейлик, ёзувчи ижодида етакчи бўлган сатирик оҳангнинг уч-қулларини ана шу деворий газетадан аңғалишимиз мумкин.

«Кумуртки» деворий газетасининг материаллари билан т